***Фарғона водийсида қачон ғалла етиштирила бошлаган, биласизми! Археологларнинг берган маълумотларига кўра бу жаннатмакон водийда милоддан аввалги икки минг йилликнинг ўрталарида ғалла экинлари парвариш қилинган. Қаранг-а, неча асрлар мобайнида шуғулланиб келинган ғаллачилик собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистонда сал бўлмаса унутилаёзди. Фақат лалми ерларга пахта экишнинг иложи бўлмагани сабабли буғдой экиларди. Ҳосилдорлик ҳам шунга яраша жуда паст бўларди.***

# ҚУВА ДОНИ

*Ислоҳот ва самара*

Мана, мустақиллик шарофати билан энди Ўзбекистон деб аталмиш Ватанимиз заминида ўзбек ғаллакори етиштирган буғдой хирмонлари барокатли бўлди. Муҳтарам Президентимизнинг узоқни кўра билиб юритган сиёсати ширин мевасини берди. Ғалла мустақиллиги йўлида тарихий қадам қўйилди. Аҳолини дон маҳсулотларига бўлган талабэҳтиёжи мамлакатимизнинг ўзида етиштирилган ҳосил ҳисобига қондирилаётир.

Ўзбек деҳқони ғаллазорларига ҳизир оралади. Ютуқларимиздан дўстлар қалби фахрга тўлди, душманлар куйиб «кул» бўлди. Ҳосилдорлик шу йилларга келиб икки, ҳатто уч баравар ортди. Она-заминимиз берган ризқу-рўзимиз – донимиз мазаси ҳам бошқаларникидан ширин. Тўйимли. Хирмонлар донга, дастурхонлар неъматлар шохи нонга тўлиб тошди. Иймон келтирамиз, Оллоҳга шукроналар айтамиз: нонимиз бутун, осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч.

Фарғона вилоятида ҳам ғаллачилик йил сайин ривожланиб бораётгани қувончли. Тармоқни янада юксалтириш мақсадида илмий ва амалий ишлар бажарилди. Шунга яраша фарғоналиклар ғалла майдонларидан кўпроқ ҳосил олишаётир. Деҳқончилик маданияти юксалтирилаётир. Уруғчиликни ривожлантиришга энг долзарб масала деб эътибор билан муносабатда бўлинаётир.

Энг қувончлиси, вилоятда етиштирилган ғаллани қайта ишлаш корхоналари мўътадил ишлаб турибди. «Фарғонадонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти тизимидаги корхоналарда ғалла сифатли қайта ишланиб халқ истеъмоли товарлари тайёрланаётир.

Тармоқдаги ютуқлар хусусида мақола тайёрлаш нияти билан уюшма раиси Маннонқул Тўрақулов ҳузурида бўлдик. У фикрларини мулоҳаза ва камтаринлик билан баён этишга одатланган раҳбар экан. «Минг марта эшитгандан кўра бир марта кўрган афзал», деб бизга «Қувадонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти фаолияти билан танишиш таклифини билдирди.

Бизга «Қувадонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти раиси Абдували Исмоилов самимий пешвоз чиқди. Унинг ҳаракатларида шижоат, қатъиятлик ва ишбилармонликни сездик. Суҳбатимиз акционерлик жамиятининг иқтисодий истиқболлари хусусида бошланди.

– Корхонада асосий вазифа иқтисодий ислоҳотларни жадаллик билан амалга ошириш, – дейди у. – Ўтган йилнинг тўққиз ойида 2 миллиард 222 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган эдик. Бу йилнинг тўққиз ойида эса бу кўрсаткич 2 миллиард 855 миллион сўмни ташкил этди. Маҳсулот ишлаб чиқариш 128 фоизга ўсди. Маҳсулот ишлаб чиқариб сотишдан ўтган йили тўққиз ойда 231 миллион сўм фойда олинган бўлса, жорий йилнинг шу даврида 392 миллион сўм фойда олинди. Демак, даромад бир юз етмиш фоизга ортди.

Туман жамоа ва деҳқон-фермер хўжаликларида етиштирилаётган ғалла миқдори йил сайин ортиб бораётир. Шу боисдан ҳам пешона тери эвазига бунёд этилган ғаллани сифатига путур етказмаган ҳолда сақлаш долзарб вазифа. Бу ғаллакорлар меҳнатини қадрлаш ва юрт бойлигини авайлаб-асраш дегани. Корхонада қабул қилиб олинган донни мавсумда ёғингарчиликлардан асраш ва сифатли сақлашни таъминлаш учун олти юз метр квадрат майдонда метал конструкцияли айвон қуриб битказилди.

Суҳбатдошимиз Абдували Исмоилов бу йил туман хўжаликларини уруғлик буғдой билан таъминлаш мақсадида бир кеча-кундузда 50 тонна уруғлик буғдойни тайёрлаб берувчи цех қурилганини фахр билан алоҳида таъкидлади. Аввалги йиллари қўшни вилоятлардан уруғлик дон келтирилар эди. Қанча транспорт ҳаражатлари ортиқча сарфланарди. Оворагарчиликларни айтмайсизми? Энди эса, бундай масъулиятли вазифани корхона раҳбари ўз зиммасига олиб, уруғлик цехи қуриш ташаббуси билан чиқди. Насиб бўлса, бу цех мавсум учун 1700 тонна сара дон уруғлиги тайёрлаш имконини беради. Бозор иқтисодиёти шароитида четдан уруғлик ташиб келтириш муаммоси барҳам топади.

Шу кунларда нафақат Фарғона водийси, балки Ўзбекистонимизнинг турли бурчакларидаги бозор ва савдо дўконларида «Қувадонмаҳсулотлари» акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилган турли хилдаги макарон маҳсулотларини харидорлар суйиб сотиб олаётганининг гувоҳи бўласиз. Дарҳақиқат, бундан ўн йил муқаддам экспорт товарлар ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ва турларини кўпайтириш, республика аҳолисини макаронга бўлган талабини қондириш, чет эл технологиясини жорий этиш мақсадида хайрли ишга қўл урилганди. Бир кеча-кундузда қирқ тонна макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган Италиянинг «Брайбанти» фирмаси ускуналари ўрнатилиб ишга туширилди. Бу линияда чиқарилган маҳсулотлар сифатлилиги даражаси билан чет элникидан ҳечам қолишмайди. Фикримизнинг далили шуки, корхонадан макарон маҳсулотлари олиш учун талабгорлар сони кун сайин ортиб бораётир.

Бир кеча-кундузда икки юз тонна донни қайта ишлайдиган тегирмон цехида Швецария давлатининг «Бюллер» фирмаси лицензияси билан Россияда тайёрланган ускуналардан фойдаланилаётгани ҳам айни муддао бўлаётир. Бу эса жаҳон андозаларига мос юқори сифатли ун олишга имкон бераётир. Буғдойдан олий навли макарон уни олиш 45 фоизга етказилди.



**Суратда: «Қувадонмаҳсулотлари» акциядорлик жамаияти раиси Абдували Исмоилов тўй болалари даврасида.**

Аҳолига етказиб берилаётган халқ истеъмоли маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш учун қисқа қирқимдаги макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ундан ташқари қандолат ва булочка маҳсулотлари тайёрлайдиган кичик цех ишлаб турибди.

— Қайси жабҳада ишлаган бўлсам, ҳар доим муҳтож оилаларни ҳимоялаш, уларга ҳар томонлама ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам бериш учун имкон қидирганман, – дейди Абдували Исмоилов. – Ахир, ислоҳотлардан мақсад нима ўзи, одамлар учун яхшироқ яшаш шароитини яратиш эмасми? Айниқса, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногирон ва ожиз кимсалар аҳволидан хабардор бўлиб туриш катта савоб. Албатта, одамлар учун, азиз фарзандимиз учун қанча меҳр-оқибат, мурувват кўрсатсак оз. Сахийлик ва саховат бор жойга барака киради, одамларда бир бирларига дўстона муҳаббат пайдо бўлади. Бежизга эмас, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муҳтарам Юртбошимизнинг энг муқаддас шиоридир. Меҳрга муҳтожлар бошини силашни Юртбошимиздан ўрганяпмиз.

**Жамият раиси қўлимизга бир даста расм тутқазди. Улар орасида бир гуруҳ болалар билан тушган расми ҳам бор экан. «Бу болаларга корхонамиз оталиқ қилиб суннат тўйи ўтказиб берганди. Ўшанда тушганмиз», дейди раис.**

Ҳа, ўшанда ўттиз нафар меҳрибонларини йўқотган, кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг фарзандлари хотирада унутилмас кун бўлганди. Уларнинг ҳар бирига бир сидра уст-бош совға қилиниб, акциядорлик жамияти маблағи ҳисобидан тўй қилиб берилганди. Уларнинг ҳар бири номига банкда ҳисоб рақами очилиб, ўн минг сўмдан пул ўтказилди.

Муҳтожлар қувончи, Оллоҳга етади, уларнинг дуолари ижобат бўлади.

Узоқ йиллар шу корхонада ишлаб нафақага кузатилган олти нафар қариялар қувончини айтмайсизми? Уларга миллий тўн ва дўппи кийдирилди. Совға-саломлар улашилди. Қарилик пенсиясига тантана билан карнай-сурнай садолари остида кузатилди.

Тўкин дастурхон атрофида, куй-қўшиқлар завқига ҳамоҳанг ўйнаётган тўй болаларию, қарияларнинг қанчалик қувонганини ҳали ҳанузэслашади.

– Оддий кишилар кўзларидаги севинчу, дилдан жўшиб чиққан дуо сўзларини эшитсангиз, савоб иш завқи нақадар ёқимли эканини ҳис этасиз, – дейди суҳбатдошимиз.

Жорий йилнинг тўққиз ойини ўзидаёқ муҳтожларга 8 миллион сўмлик ёрдам берилди. 76 нафар ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимлар оромгоҳларга имтиёзли йўлланмалар олишди.

Ўтган йил якунлари бўйича акциядорларга 103,7 миллион сўм девидент пули тўланди. Ўртача ойлик иш ҳақи 19,4 минг сўмни ташкил этди. Жамиятда етти юз олтмиш нафар акциядорлар хизмат қилади. Корхонада малакали мутахассислар тайёрлашга йилдан йилга эътибор кучайиб бораётир. Ҳар йили республика ўқув даргоҳларига ўттиздан ортиқ ишчи-хизматчи малака ошириш учун юборилмоқда.

Корхонада ишчиларга яхшироқ шарт-шароит яратиш учун эътибор кучайтирилди. Ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлар,ювиниш, кийиниш хоналари қайта таъмирланди ва жиҳозланди. Йўлак ва хиёбонлар ободонлаштирилди. Мевали ва манзарали боғлар барпо этилди.

Корхона ёрдамчи хўжалигида 150 бош қорамол, 170 бош қўй-қўзилар парвариш қилинаётир. Етиштирилган сут-қатиқ ишчиларга ҳар куни бепул тарқатилади. Ошхонада эса ёрдамчи хўжаликда етиштирилган гўштдан иссиқ овқат тайёрланиб арзон нархларда ишчилар дастурхонига тортилмоқда.

Албатта, эришилаётган ютуқларга жамоанинг илғор конкуярлари муносиб ҳиссаларини қўшаётир. Тегирмон цехи ишчилари Зиёдахон Эрматова, Олмос Аминова, Баҳодир Алимов, макарон цехи ишчилари Адҳам Ашуров, Иброҳим Йўлдошев, Нўъмон Қўзибоевлар, тегирмон цехининг бош технологи Равил Булатов, макарон цехи бошлиғи ёрдамчиси Муродил Тўраев, омихта-ем цехида смена мастери Ғулом Ғиёсиддиновлар намунали меҳнатлари билан ҳурмат-эътибор қозонишган.

«Фарғонадонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятлари уюшмаси мутахассислари, ҳокимият вакиллари ва корхона ишчи-хизматчилари билан суҳбатлар чоғида шу нарсага амин бўлдикки, корхонага Абдували Исмоилов раҳбар бўлиб келганидан буён қисқа давр ичида жуда катта ишлар амалга оширилган. Корхона иқтисодиётида сезиларли ўзгариш содир бўлди. Айниқса, жамиятда тартиб-интизом қарор топди. Хомашё ва материаллар авайлаб-асраб ишлатиладиган бўлди. Ёқилғи ва энергия ресурсларидан тежамкорлик билан оқилона фойдаланиш қатъий талаб даражасига кўтарилди, ишчиларнинг барчасига исми шарифи ва лавозимини билдириб турадиган кўкрак нишонлари тайёрлаб берилди. Барча махсус иш кийимлари билан таъминланди.

Тегирмон цехи бошлиғи ёрдамчиси Алишер Жалиловнинг дил сўзларига қулоқ тутамиз.

– Раҳбар инсоф-диёнатли, талабчан ва қатъиятли бўлса, ишлар юришаверар экан. Жамиятимиз раисининг ишбилармонлиги ва тежамкорлиги ҳаммамизга ибрат бўлаётир. Унинг меҳрибончилиги туфайли одамларга жуда яхши шарт-шароитлар яратилди. Ойликларни вақтида оладиган бўлдик. Ҳар қандай муаммо тез фурсатларда ҳал этилаётир.

«Қувадонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти жонкуярларининг ниятлари улуғ: «Ўзбекистонимиз бунданда гуллаб-яшнайверсин, тинчлик ва осойишталигимиз барқарор бўлаверсин. Хирмонлар пахтаю ғаллага тўлиб тошаверсин».

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**«Адолат»нинг махсус мухбири.**

*Муштарий адолат излайди*

***Бугун бизни билганлар, хизматимиздан баҳраманд бўлганлар таажжубдан ёқа ушлашмоқда. Яхшиликнинг охири вой эканда, дея афсус-надомат билан бош чайқашаяпти. Ахир бутун бошли чала қурилган цехни тиклаб, оёққа турғазиш учун қилган саъй-ҳаракатларимиз, сарфлаган сармояларимиздан кимлардир кўз юмиб, тан олмай турган пайтда бизларнинг дилимиз оғримай кимнинг дили оғрисин.***

***Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги «Меҳнатобод» жамоа хўжалигига қарашли Бешкапа қишлоғида жойлашган, қурилиши ўлда-жўлда ётган тамакини ферментациялаш цехига сармоямизни сарф қилдигу, охир-оқибат бошимиз ғавғодан чиқмай қолди. Мазкур иншоотни тиклаётган Самарқанд сув иншоотлари қурилиши трестининг 1-механизациялашган кўчма колоннасига цех қурилиши учун ажратилган 22 миллион сўмлик маблағ 1993 йилнинг охирларига бориб ҳеч нима бўлмай қолди. Аслида цехни барпо қилишдан кўзланган мақсад – тамаки маҳсулотларини четга сотиш орқали Самарқанд вилояти сув хўжалиги бошқармаси эҳтиёжи учун зарур бўлган қурилиш маҳсулотларини олиб келиб ишни юритишдан иборат эди.***

1994 йили тамакини ферментация қилиш цехи учун маблағ ажратилмай қурилиш тақа-тақ тўхтади. Бу билан 1-МККнинг олдида янги муаммолар пайдо бўлди. Энди унинг олдида бу цех қурилиши учун давлат томонидан сарфланган ҳаражатларни қоплайдиган ва қурилишни давом эттириб, уни тугатишга қодир бўлган сармоядорни излаб топиш масаласи кўндаланг турарди. Бу ишга бизнинг «Барака» хусусий фирмамиз пешвоз чиқди. 1-МКК билан 1994 йилнинг 14 мартида шартнома тузиб, унинг кассасига 33 миллион сўм пулни тўладик. Бу маблағ 1-МКҚнинг қурилишга сарфлаган барча ҳаражатларини тўла-тўкис қоплаш билан бирга цехдаги ишларни яна давом эттиришга ҳам шарт-шароит яратди. Кўчма колонна жамоаси мазкур иншоот қурилишида 1995 йилнинг июль ойига қадар яна 250 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Бу маблағнинг ҳаммасини хусусий фирмамиз молиялаштириб, қурилиш ташкилотининг ҳисобига ўтказиб берди. Ўзаро келишувга асосан цехга бошлиқ этиб маҳаллий шароитни биладиган Жўрақул Мелиевни қўйдик. Аввалига ишлар силлиқ кетаётгандек эди. Бироқ кейинчалик цех бошлиғи Жўрақул Мелиев хусусий фирмамизга қарашли мол-мулкни талон-тарож қилиш йўлига ўтди. Натижада бизга 420 минг сўмлик зарар етказиб, Жомбой туман судининг ҳукми билан уч йил озодликдан маҳрум этилди. Кейинчалик, унинг акаси Муродқул Мелиев йўлимизга тўғаноқ бўлиб ферментация цехини ишлатишимизга халақит бериб келди. Бугунги кунга келиб эса у цехни тамоман ўзиники қилиб олди. Гўёки бу иншоотни унга қарашли «Барака» кичик корхонаси қурган эмиш. Ишлар сармоядорларнинг ҳиссаси ва маблағи асосида ҳашар йўли билан ташкил этилганмиш. Цех жойлашган ер эса Мелиевларнинг шахсий томорқасига тегишли эмиш. Ана ҳангомаю-мана ҳангома. Бутун бошли қурилиш ташкилоти не-не қийинчилик билан аранг тиклаган мазкур цехни «Барака» кичик корхонаси қандай қилиб эгаси бўла олади? Бу корхона ўзи қандай корхона? У қаёқдан пайдо бўлди? Энди шу ўринда бироз чекиниш қиламиз.

«Барака» кичик корхонаси Самарқанд сув иншоотлари қурилиши трестининг 1-МКК бошлиғи А. Аббосовнинг 1992 йил 7 сентябрдаги буйруғига асосан ташкил этилган. Унинг таъсисчиси шу қурилиш ташкилотининг ўзи бўлган. Шунингдек, буйруқда кичик корхона ҳокимиятдан рўйхатдан ўтганидан сўнг унга директор этиб Муродқул Мелиевнинг тайинланиши кўрсатиб ўтилган. Шу тарзда кичик корхона таъсисчилари ўртасида шу куни йиғилиш ўтказилиб таъсис шартномаси имзоланган. Унда ҳар кимнинг ўз мажбурияти пишиқ-пухта белгилаб қўйилган. Ҳадемай Ургут тумани ҳокимининг қарорига мувофиқ мазкур кичик корхона ўз фаолиятини бошлади. Шлакоблок ишлаб чиқариб сотишни йўлга қўйди. Бошқа ҳар хил хизматларни бажарди. Аммо унинг «ферментация цехини ўз сармоямизга, кичик корхонамиз орқали ҳашар йўли билан қурганмиз» деган гаплари пуч ва асоссиздир. Мен 1-МКК томонидан мазкур иншоотни қуришда қатнашган қурувчилар, монтажчилар билан суҳбатлашганман. Улар

## ЎРОҚДА ЙЎҚ, МАШОҚДА ЙЎҚ, ХИРМОНДА ҲОЗИР

цехни ҳақиқатдан ҳам ўз ташкилотлари қурганлигини билдиришган. Ҳатто, айримлар бу пайтда кичик корхона шлакоблок ишлаб чиқариб, уни сотиш билан банд бўлганлигини яшириб ҳам ўтирмаган. Зеро, бу бор гап. Ахир қандай қилиб қурилишга тўла ихтисослашмаган мазкур кичик корхона уни тиклай олсин?

Аслида цех қурилган ер ҳам Мелиевларга тегишли эмас. Улардан бу ҳақдаги ҳужжатни талаб қилсангиз «Меҳнатобод» колхози правлениесининг 1981 йилнинг 3-сентябридаги мажлиси қарорининг 5-қисмидан олинган кўчирмани кўрсатишдан нарига ўтишолмайди. Унда колхознинг 6-бригадасида яшовчи Мелиев Маматқулнинг аризаси инобатга олиниб, ўғиллари Мелиев Муродқул ва Мелиев Раҳматларга бир ҳовлида қисилиб қолганликлари учун вақтинча томорқа участкаси ўлчаб бериш қайд этилган. Бу дегани Мелиевларнинг шахсий томорқасида цех қурилган деган маънони бермайди. Қолаверса, цех «Айланма Дарғом» каналининг ҳимоя зонасида жойлашган. У ҳалигача Самарқанд сув хўжалиги бошқармасига қарашлидир.

Шу ўринда Ургут тумани ҳокимининг фармойишига асосан тузилган комиссия аъзоларининг 2001 йилнинг 13 февралидаги далолатномасига эътиборингизни жалб қиламиз: «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 18 мартдаги Фармойишига ва Ургут тумани ҳокимининг 1997 йил 27 апрелдаги 55-Ф рақамли фармойишига асосан фуқароларнинг шахсий томорқа ерларини қайта рўйхатдан ўтказиш натижаларига кўра фуқаро Мелиев Маматқулнинг алоҳида уй-жой ўрни ва томорқа ери мавжуд бўлиб, 0,21 га эканлиги қайд этилган. Фуқаро Мелиев Муродқулнинг ҳам алоҳида уй-жой ўрни ва томорқа ери мавжуд бўлиб, у ҳам 0,21 гани ташкил этади. Шунингдек, фуқаро Мелиев Раҳмонқул номига ҳам 0,24 га уй-жой ўрни ва томорқа ери борлиги қайд этилган. (Мелиев Раҳмонқулнинг ер майдони тамаки цехи билан ёнма-ён жойлашган).

Юқоридагилардан келиб чиқиб фуқаро Мелиев Маматқул ва ўғиллари Мелиев Муродқул, Мелиев Раҳмат, Мелиев Раҳмонларга «Янги Дарғом» канали қирғоқ минтақасидан уй-жой қурилиши учун ер майдони ажратиб берилмаган. Шунингдек, қирғоқ минтақасида қурилган тамакини қайта ишлаш цехи қайси ташкилот томонидан қурилганлигидан қатъий назар туман ҳокимининг ер ажратиш тўғрисидаги қарори мавжуд эмас».

Энди «Барака» кичик корхонасининг фаолиятини ойдинлаштирувчи яна бир далолатнома хусусида мулоҳаза юритамиз. Уни Ургут тумани ЧП «Ҳисобчи» аудиторлик фирмаси ходими М. Ортиқов 1998 йил 4 июнда тузган. Далолатномада шундай дейилади: «Барака» кичик корхонаси ўз фаолияти ҳақида 1994 йил 1 апрель Давлат солиқ инспекциясига баланс топширган ва шу кундан бошлаб Давлат солиқ инспекциясига отчёт топширмаган. Текшириш натижаси шуни кўрсатдики, «Барака» кичик корхонаси 01 (асосий воситалар) счётида бирор сўмлик ҳам мулки бўлмаган ва корхона фаолияти тугатилгунга қадар солиқ инспекциясига бирор сўм ҳам мулк солиғи тўламаган. Ушбу далолатномада «Барака» кичик корхонаси директори Муродқул Мелиевнинг текшириш давомида кичик корхонанинг кейинги фаолиятига оид ҳисоботларни топиб бераолмаганига алоҳида урғу бериб ўтилади. Ҳисоботи бўла туриб нега уни аудиторга тақдим қила олмаганининг ўзи қизиқ эмасми? Қолаверса, аудитор кичик корхонанинг мазкур цехга ҳужжат асосида ҳеч қандай харажат қилмаганлигини ҳам кўрсатиб ўтган. Бу баданингизни жунбушга келтиради. Кичик корхонанинг қиёфасию, мақсад-муддаоси ойдинлашади.

Олти ойдан ортиқ вақт мобайнида молиявий хўжалик фаолияти билан шуғулланмаганлиги учун «Барака» кичик корхонаси Ургут тумани ҳокимининг 1997 йилнинг 16 апрелидаги қарорига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатидан чиқарилди. 1999 йилнинг 15 февралига келиб эса Ургут тумани ҳокимлигини кичик корхонани қайта рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги қарори пайдо бўлди. Воажаб, ҳокимиятдагилар учун кичик корхонани рўйхатдан чиқариб рўйхатга олиш ўйинчоқ эканда? Ахир туман ҳудудида ҳар қандай қарорни чиқаришга фақат ҳокимнинг ўзигина ҳақлику!?. Цехни ҳеч бир асоссиз ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, ишлашимизга тўсқинлик қилаётгани учун Муродқул Мелиев ва кичик корхонанинг ҳозирги директори Гулсара Ҳайитовани оила аъзолари билан биргаликда цехдан чиқаришни сўраб судга мурожаат этдик. Ургут тумани суди ушбу низоли цехнинг эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳокимнинг қарори бўлмаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 100-моддаси 1-бандига асосан ушбу низони судда кўриш мумкин эмас деб топиб, иш юритишни ҳаракатдан тўхтатди. 1998 йил 26 октябрда бу ҳақда ажрим чиқариб, цехга эгалик ҳуқуқини олиш ҳақидаги қарорни олиш учун Ургут туман ҳокимиятига мурожаат қилишимиз мумкинлиги ҳақидаги ҳуқуқимиз тушунтирилди. Аммо туман ҳокимияти мутасаддилари бу ҳақдаги аризамизни қабул қилмасдан, бизни анча сарсон айлади. Сўнгра адвокат олиб, мазкур низоли иш юзасидан Самарқанд вилоят хўжалик судига мурожаат этдик. Унда ферментация цехига эгалик ҳуқуқини беришни сўраб 1-МККни жавобгар қилдик. Чунки биз муносабатларни шу қурилиш ташкилоти билан олиб борганмиз. Осмондан тушгандай пайдо бўлган «Барака» кичик корхонаси ҳақида ўша пайтларда ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаганмиз. Самарқанд вилоят хўжалик суди ўзининг 2000 йил 24 апрелда судя Т. Гусеинова раислигида бўлиб ўтган суд мажлисида масалани ҳар томонлама қонуний тарзда кўриб чиқиб, цехга эгалик ҳуқуқимизни ўрнатиб берди. Шундан кейин мен низоли цехдан жавобгарларни яна кўчириб чиқариш ҳақида Ургут туман судига мурожаат қилдим. Туман суди ўзининг 2000 йилнинг 25 июлидаги очиқ суд мажлисида даъвоимни қаноатлантирди. Қарорга мувофиқ 1999 йил 15 январдаги 12 кишидан иборат тузилган янги таъсисчиларнинг шартномаси ва Ургут тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари имзолаган 1999 йил 15 февралдаги 84-сонли «Барака» кичик корхонасини қайта давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги қарори ҳақиқий эмас деб топилди. Шу билан бирга жавобгарлар ўзлари яшаётган оила аъзолари билан бошқа бино берилмаган ҳолда цехдан мажбурий тарзда кўчириладиган бўлди. Бироқ иккинчи томон кассация шикояти билан вилоят судига чиқди. 2000 йил 7 сентябрь куни суд бу ишни кўриб чиқиб Ургут туман судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирди ва кассация шикоятини қаноатлантирмаслик юзасидан ажрим чиқариб берди. Кейинчалик жавобгарлар кассация шикояти билан 2000 йил 15 сентябрда Олий Хўжалик судига мурожаат этишди. Олий хўжалик суди ишни 2001 йил 23 январда қабул қилиб, 16 февралда кўриб чиқди ва «Барака» кичик корхонасининг даъвосини қаноатлантирди. Олий хўжалик судининг судлов ҳайъати кўриб чиққан бу ишда Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 20 февралдаги 57-қарорига мувофиқ давлат мулки бўлган иншоотларни Давлат мулки қўмитаси томонидан бошқарилиши, уларни сотиш билан боғлиқ масалаларни фақат мазкур қўмита ва унинг жойлардаги ҳудудий идоралари ҳал этиши кўрсатиб ўтилди. Бироқ цехга эгалик қилиш ҳуқуқи муаллақ қолди. Аслида биз ҳам шу хатоимизни англаб етганимиз учун хўжалик судига мурожаат қилган эдик. Судлов ҳайъатининг қароридан қаноатланмай ариза билан Олий Хўжалик судига қайта-қайта мурожаат этдик...

Шу ўринда бир масалани очиқ айтмасам бўлмайди. Самарқанд вилоят ер ресурслари бошқармасининг бизга маълум қилишича: «Ургут туман «Меҳнатобод» ширкат хўжалиги ҳудудидаги Бешкапа – Ғойб ота йўлининг «Айланма Дарғом» канали кўпригидан ўтгандан кейин ўнг томонда қурилган тамаки ҳосилини ферментация қилиш цехи қурилган ер «Айланма Дарғом» канали учун ажратилган бўлиб, вилоят сув хўжалиги бошқармасига қарайди. Бундан ташқари қирғоқ минтақаси учун ушбу ферментация цехидан Шимол тарафга қараб яна 50 метр ер ажратилган бўлиб ушбу ерлар ҳам мазкур бошқармага қарашлидир. Вилоят сув хўжалиги бошқармаси ҳисобидаги дарё ва каналлар учун ажратилган ерларда уй-жой ва бошқа қурилиш учун ер ажратиш таъқиқланган». Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Самарқанд вилоят бошқармасининг мазкур можароли иш юзасидан тутган йўли ҳам тушунарсиздир. Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари Ю. Халилов Самарқанд вилояти ҳокимлигига 2001 йилнинг 21 апрелида ёзган хатида ферментация цехининг таъсисчиси деб «Барака» кичик корхонасини эътироф этган. Мазкур хат «Барака» кичик корхонаси учун жойга эгалик ҳуқуқини ҳам бермайди. Бу масала юзасидан махсус шуғулланадиган мутасадди ташикилотлар бор. Қолаверса, бу хат, яъни, шу бир хулоса бир неча аудиторлик фирмаларининг тегишли ташкилотларнинг талаби билан ўтказган текширишларида аниқланган хулосаларини ҳам гўёки йўққа чиқармоқда. Аммо ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Ферментация цехи атрофидаги можароларни оқилона ҳал этишга тегишли ташкилотларнинг панжа орасидан қараётганлиги боис бу масала ҳамон ўз ечимини топаётгани йўқ. Иш чўзилгандан чўзилмоқда. Ўйлаймизки, республика ҳамда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ушбу масалани чуқур ўрганиб, ишни адолатли, ҳолисона ҳал этишга ёрдам берадилар. Бунинг учун бизда барча асослар бор.

**Қаҳҳор АББОСОВ,**
**Самарқанд шаҳридаги «Барака» хусусий фирмасининг таъсисчи-маслаҳатчиси.**

